



ПОЙТАХТ БИНОКОРЛАРНИ КЎТЛАМОҚДА

БУГУН САНЪАТ САРОЙИДА БИНОКОРЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИГИЛИШ БЎЛАДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

3-йил чиқиши
9 АВГУСТ 1968 й.
ЖУМА
№ 185 (645).
БАҲОСИ 2 ТИЯНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КОНКУРС ГОЛИБЛАРИ

Ўзбекистон Давлат қурилиш комитети, республика илмий-техника жамияти ҳамда республика қурилиш ташкилотлари ва бинокорлик материаллари саноати комитети қурилиш меҳнати илмий асосда ташкил этилиб, қурилиш тўғрисида график асосда бошқариш йозасида таъсис этган ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тасдиқлаган конкурсга яқин ясади.

Конкурсда республика қурилиш министрликлари, саноат ва граждан қурилиш ташкилотлари ҳамда бир қанча лойиҳа институтлари иштирок этишди.

Республика қурилиш министрлиги, махсус қурилиш монтаж министрлиги, «Главмосстрой»нинг Тошкентдаги бошқармаси ҳамда Навоий шаҳар қурилиш бошқармалари меҳнати илмий асосда ташкил қилиш ва қурилиш тўғрисида график асосда бошқаришда муваффақиятга эришиш конкурсда яхши кўрсаткичларни кўлга киритдилар. Жуляда «Узэлектромонтаж» ишчи ва инженер техник ходимлари тўғрисида график қурилиш муваффақиятли тadbир этиб қурилиш муддатини 1,5—2 баравар қисқартириб, меҳнат уюмдорлигини яна оширишга эришдилар. Илгир коллектив 1-уйсозлик комбинати иккинчи навбатини қуришда меҳнати ташкил қилиш лойиҳалари асосида иш юритиб, бу муҳим объектни планда белгиланган беш йил ичун ўзинга тўрт ойда қуриб ишга тушirdi.

Шунингдек, Фарғонадаги 8-қурилиш трести коллектив ҳам қурилишда муҳим муваффақиятга эришди. Уй-жойларнинг ҳар бир кватра метри 11 сўм арзонланди ва давлатнинг 123 миң сўм маблағи тежаб қолди. Шунинг учун ҳам илгир трест коллективни конкурснинг биринчи мукофоти — 500 сўм пул ва I даражали диплом билан тақдирланди.

Конкурс жюриси голибларга жами 4 та биринчи, 6 та иккинчи ва 7 та учинчи мукофот ҳамда биринчи, иккинчи ва учинчи даражали дипломлар тақдим этишни мўлжаллаган эди. Конкурсда муваффақиятли қатнашган 17 та қурилиш ташкилоти ҳамда илмий текшириш ва лойиҳа институтлари яна шу мукофотларни оlishга муvccар бўдилар.

Д. РАХМАНОВ,
инженер.

ТЕХНИКУМНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Гафур Ғулום кўчалари яқинида молия-иқтисод техникумининг янги корпуси ва ётоқхонаси қад кўтарилди. Техникум комплексини қураётган «Главташкентстрой»га қарашли Қурувчилардан А. Бур 64-қурилиш бошқармаси бинокорлари 442 ўринга мўлжалланган ётоқхона биносини қуриб бўлишди. Ҳозир бинода сўнги пардозлаш ишлари олиб бoрилади. Техникум асосий корпуси биносининг аса 2 қавати тикланди.

М. Д. Манзуфас бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари биноларни муддатидан олдин фойдаланишга топширишга ҳаракат қилмоқдалар. Қурувчилардан А. Бур дис. Ж. Суҳрачев, А. Харитутдис, П. Пахомов, В. Панк, А. Гурнотаев ва бошқалар қурилиш ишларини охириб бажаришди. Бошқарма қурувчилари кўчи кеча яна бир 40 кватралар турар-жой биносини қурилишини бошлаб юбордилар.

МУСОБАҚАДОШЛАР

Тузални қурувчилар билан мусобақада беллашаётган Подмосковье қурилиш-монтаж поездининг 1-уастка бинокорлари ҳам «В-23» кварталда 9 қаватли турар-жой биносини фойдаланишга топшириш арасида туришди. Бу бино ҳам тузалликлар бунёд этиётган бино сингари 56 хонали. Тагида аса озиқ-овқат магазини бўлади.

Подмосковье поезди қурувчилари шу кварталда 9 қаватли бир неча турар-жой биноларини, 1280 ўринли мактаб комплексини тикламоқдалар.

Сентябрда фойдаланишга топширишга мўлжалланаётган мактаб

биносиди ўқувчилар учун ҳамма қудайликлар мавжуд бўлади. Ошхона, бассейн, спорт ва улкан мажлис зал иш уларга хизмат қилади.

В. Галин бошлиқ комплекс бригадда аъзолари, А. Данилов ва В. Горохов раҳбарлигидаги монтажчилар биноларини «аъло» баҳога топшириш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Подмосковьелик бинокорлар ярим йил ичида 136 кватралар турар-жой биносини меҳнаткашлар ихтиёрига топширдилар. Йил охиригача аса улар яна 192 кватралари уй-жой ва 1286 ўринли мактаблар қуриб беришга аҳд қилганлар.

Дўстлик тароналари

БОЛГАРНИНГ жавабидан ҳар томонга зарралар сачрайди. Болга оҳанги гоҳ пасайиб, гоҳ баланд кўтарилади.

Богдан Хмельницкий ва Шота Руставели кўчалари бирлашган жойда «Дўстлик монументи» барпо этилмоқда.

Олти қирралик найза осмонга бўй чўзиб, кўш нурда тобланади. «Қардош ўзбек халқига — грузин халқидан. 1966—1968». Бу сўзлар рус, ўзбек, грузин тилларида кумуш ҳарфлар билан ёзилган. Иккита қирра ичида аса улуг Алишер Навоий билан Шота Руставелининг портретлари ва уларнинг китоблари дан олдин ҳақиқатли сўзлар ёзилган. Олтинчи қиррада ўзбек ерида бунёдкорлик иши билан шугулланган грузин бинокорларнинг

рапортлари шаклланади. Уч қиррали деворларда грузин эпослари ва эрталаридан олтин қиррали найзага уйғулаштирилади. Пастдан олтиб чиқайтган 15 чашмада 15 иттифоқдори республика ўз рамзини топади. Монумент атрофини ёритилган ҳовуз ўрайди. Электр ёдуллари уни янада гузал ва дилрабо қилиб кўрсатади.

Бу камёб нишот металлдан тикланади. Сиз умринида дилрабо ҳаёт шодлик, бахт кўйини фидолашчи симфонияни тинглаган-мисиз? Тоғ ёнаблариди шилдираб оқётган чашмаларга қўлоқ солиб, кўшларингиз чугурлаши, қорли тоғларнинг салобат солиб туришига назар ташлаганисиз? Тоғ ёришаётган да мавжуд қандай уйғонади? Шуларнинг ҳаммаси у юксак ёдгорликка ўйиб солиниб, томошани кўз олдига товланади, аjoyиб олам пайдо қилади.

ФАКТ В А РАҚАМЛАР

1966, 1967 йиллар ва 1968 йилнинг биринчи ярмида қардош республикалар.

Москва ва Ленинград шаҳарлари, министрликлар ва ташкилотлар томонидан Тошкент шаҳрида қуйидагилар қурилди:

916,1 миң квадрат метр уй-жой;
4120 ўринлик 17 болалар комбинати;
5800 ўқувчига мўлжалланган 5 мактаб.

1968 йилнинг иккинчи ярмида тошкентликлар учун қурилди:

2074 миң квадрат метр уй-жой;
9840 ўқувчига мўлжалланган 8 мактаб;
3080 ўринлик 12 болалар комбинати.

БАЙРАМ МУБОРАК



Махсус пўлат монтаж трестининг Гантель Муслимов бошчилик қилаётган бригада монтажчилари ой сайин ишлаб чиқариш планини ортиги билан бажармоқдалар. Ҳозир улар яхмалак майдони қурилишда зўр бериб меҳнат қилмоқдалар. СУРАТДА: (чандан) В. Якубаев, В. Турфанов, В. Чекуров, У. Аҳонгаров, бригада бошлиғи Б. Муслимов ўртоқлар. М. Миржалилов фотоси.

ТУЛАЛИК БИНОКОРЛАР

Чилонзорнинг «В-23» кварталда Тула қурилиш-монтаж поезди бинокорлари улкан ва замонавий турар-жой бинолари қуриб, шаҳримиз меҳнаткашларини хушнуд этиштирди. Шу кварталда поездининг 1-уастка қурувчилари тиклаётган 9 қаватли бино қурилиш ишохисига етай деб қолди. Бинода 56 кватра пастки

қаватида аса китоб дўнони бўлади. 9 қаватли бинолар одатда 1 йил 9 ойда қурилиши керак. Тузалик азаматлар аса бинони 6 ойда қуриб бўлишди. Қурувчиларнинг кўпчилиги комсомол ёшлардан иборат. Улар ВЛКСМнинг 50 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш иштибонидида меҳнат қилмоқдалар. Ай

ниқса, Романцев бошлиқ дураторлар бригадаси, Н. Лищенко бошлиқ сувоқчилар бригадаси, В. Ерочкин бош бўлган арматурчилар бригадаси бунёдкорлари шижоат билан ишлашмоқда. Тузалликлар Деңропаркда барпо этилаётган меҳмонхона корпусларни қурилишини ҳам жадаллаштирмоқдалар.

Я Н Г И МИКРОРАЙОН


Архитектор Д. Фелициант ва инженер В. Андреев бошчилигида «Узипрогэзпром» институтида Ленин районинида 2-микрорайон биноларининг лойиҳаси тамомланди. Келажакда Тошкентнинг бу қисми қандай бўлиши ҳақида гапириб беришни муҳбиримиз институт бош архитектори В. С. Энкердан илтимос қилди.

— Бошда, — деди Вениамин Самуилович, — янги микрорайоннинг қаерда жойланиши ҳақида гапирмоқчиман. У район Т. Шевченко кўчаси, Вокзал майдони, Лоҳутий ва Титов кўчалари ўртасига жойлашади. Ҳозир у ерда асосан зилзиладан зарарланган бир қаватли уйлар мавжуд. Шунингдек, троллейбус парк, «Ташхимвельмаш» заводи, каноп фабрикаси ва 2-авторемонт заводи жойлашган.

Келажакда Т. Шевченко кўчасининг яни 76 метрга, Титов кўчасининг яни 119 метрга етказилади. Магистрал ўртасидан иккита 15 метрли йўл очилади. Унинг ҳар икки томони гулзорлардан ва йўлқалардан иборат бўлади.

Полторацкий кўчаси микрорайонини икки қисмга бўлади. У ерда тўрт беш ва тўғуз қаватли уйлар қурилиб, умумий майдони 65,5 миң квадрат метрга етказилади. Шунингдек, аҳолига маданий-маиший хизматини яхшилаш учун турли муассасалар, мактаб ва болалар боғчалари барпо этилади. Бу ерда шаҳар аҳамиятига эга бўлган Маиший хизмат уйи, 20 миң номерга мўлжалланган автомат телефон станция ва бошқа бинолар қурилади.

Ҳозир территорияда текислаш ишлари олиб бoрилмақда. 1969 йили қурилиш ишлари бошлаб юборилади. Суратда: Ленин районининг 2-микрорайонини худди шундай бўлади.



Янги кўча лойиҳалар

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ САЙИРАСАРАЙИ

ҚАРДОШЛАРЧА БИРДАМЛИК

КПСС Марказий Комитетининг Снёсий бюроси ва Чехословакия Коммунистик партияси Президиумининг Тисса ёнидаги Чирнадаги учрашуви ва олти қардош партиянинг Братиславадаги Кенгаши яқинлари Тошкент меҳнаткашларининг эътибор марказида турибди. Тошкентликлар, Кенгашнинг Баёноти ва КПСС Марказий Комитетининг ташқи сиёсатини қизғин маъқулламоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Снёсий бюроси ва Чехословакия Коммунистик партияси Президиумининг Тисса ёнидаги Чирнадаги учрашуви ва олти қардош партиянинг Братиславадаги Кенгаши яқинлари Тошкент меҳнаткашларининг эътибор марказида турибди. Тошкентликлар, Кенгашнинг Баёноти ва КПСС Марказий Комитетининг ташқи сиёсатини қизғин маъқулламоқдалар.

КУЧИМИЗНИ АЯМАЙМИЗ

Коммунистик ва ишчи партияларнинг Братиславадаги Баёноти бутун совет халқи сингари бизнинг инженер-техник ва механикаторларимизнинг ҳам диққат марказида турибди. Ҳар биримиз олти қардош партия вакилларининг Кенгашида қилинган Баёнот социалистик мамлакатларнинг ҳамжиҳатлиги ва дўстлигини бундан буён ҳам мустаҳкамлашга аямимиз. Бу дўстлик Коммунистик

ҚЎЛНИ-ҚЎЛГА БЕРИБ

Қора гуруҳлар жон талабасида социалистик давлатлар ўртасига раҳна солиб қўлга киритилган ютуқларимизни барбод қилишга уришишмоқда. Аммо, бу чириб бораётган капиталистик дуненинг ўлим олдидаги талабаси эканини яхши биламиз. Жаҳон социалистик мамлакатлари дўстлиги ажралмасдир. Буни Коммунистик ва ишчи партияларининг Братиславада бўлиб ўтган Кенгашдан сўнгги Баёноти яна бир бор исботлади. Бизнинг ишчи ва хизматчи

ларимиз, инженер техник ходимларимиз Баёнот билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни зўр қизиқиш билан ўрганиб чиқишди. Айниқса, Тисса ёнидаги Чирна ва Братиславадаги Кенгаш натижаларининг КПСС Марказий Комитети Снёсий бюроси томонидан тўла қувватланиши совет халқининг, ишчи ва деҳқонлар синфининг фикрини тўла ифода қилади. А. МҲМИНХҲҲАЕВ, В. И. Ленин номи яқса буртумалар тикмиш фабрикасининг директори.

★ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 8 август Фармони билан бир группа матбуот ходимларига республика матбуотини ривонлаштиришда г и н катта хизматлари учун «Ўзбекистон ССР да г хизмат кўрсатган маданий ходими» фахрий уқовни ва бир группа қурувчиларга каптал қурилиш соҳасидаги хизматлари учун «Ўзбекистон ССРда г хизмат кўрсатган бинокор» фахрий унвони берилди.

★ Япония парламенти вакиллари палатасининг раиси Микудзиро Исэй ва маслаҳатчилар палатасининг раиси Юдзо Сигэмуна Японияда туристик сафарда бўлган СССР Олий Совети Президиуми Раисининг уринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддиновани қабул қилди. Учрашув вақтида дўстона суҳбат бўлди.

★ Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министри Т. А. Саримсоқов бошчилигидаги совет делегацияси Деҳлига йетди. Делегация ЮНЕСКОнинг бугун очилган Осиё мамлакатларини ривонлаштиришда техникадан фойдаланиш масаласига бағишланган конференциясида қатнашди.

★ Кеча Москвада М. В. Фрунзе номидаги Совет Армияси Марказий уйда СССР ДОСААФ Марказий Комитетининг Пленуми иш бошлади.

